

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ							
1.	Тўлиқ:	“Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамияти					
	Қискартирилган:	“Imkon-Sug’urta” АЖ					
	Биржа тикерининг номи:*	мавжуд эмас					
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ							
2.	Жойлашган ери:	100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 17-уй					
	Почта манзили:	100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 17-уй					
	Электрон почта манзили:*	info@imkonsugurta.uz					
	Расмий веб-сайти:*	www.imkonsugurta.uz					
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ							
Муҳим фактнинг рақами:		06					
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар					
Умумий йиғилиш тури:		Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши					
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		12.09.2023 й.					
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		12.09.2023 й.					
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 17-уй					
Умумий йиғилиш кворуми:		100 фоиз					
		Овоз бериш яқунлари					
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Ўқлаш		қарши		бетарафлар	
		%	Сони	%	сони	%	сони
1.	“Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш, Тафтиш комиссияси фаолиятини тугатиш ҳамда янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.	100	45 000 000 000	0	0	0	0
2.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 17 августдаги 44/2-15787-сонли хатини инобатга олган ҳолда “Imkon-Sug’urta” акциядорлик жамиятининг 2022 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш ҳамда устав фондиди (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш, қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш, қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ва Акциялар қўшимча	100	45 000 000 000	0	0	0	0

	чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.								
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:									
	<p>1.1. Компаниянинг қуйидаги Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Мухитдинов Азиз Акбарович – Банкнинг Молия блоки раҳбари;</li> <li>2) Усмонова Дилафруз Аминовна – Банкнинг Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш маркази директори;</li> <li>3) Умаров Равшанбек Анварович – Банкнинг Пластик карталар департаменти директори;</li> <li>4) Эгамбердиев Азизбек Мирзакаримович – Банкнинг Юридик департамент директори ўринбосари;</li> <li>5) Каландаров Азиз Джалалитдинович – Банкнинг Кредит администрацияси маркази директори.</li> </ol> <p>1.2. Компания Кузатув кенгашининг янги аъзолари этиб қуйидаги номзодлар 3 (уч) йил муддатга сайлансин:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Золтан Молнар (Zoltan Molnar) – ОТП Банк, М&amp;А катта менежери;</li> <li>2) Дмитрий Сапронов (Dmitriy Sapronov) – Банк Бошқарув Раиси ўринбосари – Кичик бизнес ва чакана хизматлар блоки раҳбари;</li> <li>3) Умид Бабаханов (Umid Babakhanov) – Банкнинг Инвесторлар билан алоқалар хизмати раҳбари ўринбосари;</li> <li>4) Антон Яшин (Anton Yashin) – Банкнинг Рискларни таҳлил қилиш ва моделлаштириш департаменти директори.</li> </ol> <p>1.3. Компаниянинг қуйидаги Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Наримов Фарход Равшанович – Банкнинг Молиявий ҳисобот ва назорат департаменти директори;</li> <li>2) Худойбердиев Бобир Искандарович – Банкнинг Комплаенс назорати департаменти директори;</li> <li>3) Файзиев Улугбек Равшанович – Банкнинг Риск ҳисоботлари ва риск менежменти инструментлари бўлими бошлиғи.</li> </ol> <p>1.4. Банкнинг Тафтиш комиссияси фаолияти тугатилсин ва ягона акциядори Банк Бошқарувининг 2022 йил 10 майдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низоми ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.</p> <p>1.5. Компания Уставига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, Компания янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин ва уни тасдиқланганлиги бўйича имзолаш ҳуқуқи Банк Бошқарув раиси ўринбосари А.Сентпетерига берилсин.</p>								
2.	<p>2.1. Компания фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, жумладан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси ягона акциядори Банк Бошқарувининг 2023 йил 26 июндаги 153-сонли қарори билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.</p> <p>Компания ягона акциядори Банк Бошқарувининг 2023 йил 26 июндаги 153-сонли қарорининг Компания 2022 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш бўйича 5-масаласи юзасидан 5-банди ҳамда Компания устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш, қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш, қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ҳамда Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш бўйича 6-масаласи юзасидан 6-банди бекор қилинсин.</p>								

Компаниянинг 2022 йил фаолияти якуни бўйича 9 625 339 971,14 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- а) 1 730 603 129,03 сўм ёки 17,98 фоиз миқдорда захира фондига йўналтирилсин;
- б) 7 894 736 842,11 сўм ёки 82,02 фоиз, шундан қонунчиликка мувофиқ солиқ солишдаги 394 736 842,11 сўм ёки 5 фоиздан тегишинча Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик шахс акциядорларининг дивиденд тарзидаги даромадлари бўйича фойда солиғини тўлов манбаида тўлашга ва Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахс акциядорларининг дивиденд тарзидаги даромадлари қонунчиликка мувофиқ даромад солиғидан озод этилганлиги инobatга олиниб уларга тўлаб беришга ҳамда 7 500 000 000,00 сўм устав фондни (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали ҳисобидан қўпайтиришга йўналтирилсин.

Компания устаф фондининг (устав капиталининг) миқдори номинал қиймати 1 сўм бўлган 7 500 000 000 дона умумий қиймати 7 500 000 000 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали, яъни тақсимланмаган фойдаси (2022 йил якуни бўйича соф фойдаси) ҳисобидан 45 000 000 000 сўмдан 52 500 000 000 сўмга етказилсин.

Компаниянинг номинал қиймати 1 сўм бўлган 7 500 000 000 дона умумий қиймати 7 500 000 000 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари ёпиқ обуна орқали муомалага чиқарилсин ҳамда мазкур қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қуйидагича белгилансин:

- 1) Чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5-кун (бешинчи кун) ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида кўрсатилган Жамият акциядорлари ўртасида улар эгалик қилган акциялар сонига ва турига мутаносиб равишда 6:1 коэффицентда ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади;
- 2) Чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь куни давомида жойлаштирилади:

- акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – ушбу акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 6-кун (олтинчи кун) ҳисобланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунида бошланади;

- акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кундан ошмаслиги лозим;

- 3) Чиқарилаётган акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида бирор бир фуқаролик-ҳуқуқий битим (шартнома) тузилмасдан жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмайди;

- 4) Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган;

- 5) Чиқарилаётган акциялар номинал қиймати бўйича 1 (бир) сўмдан жойлаштирилади;
- 6) Акциялар учун тўловлар Эмитентнинг 2023 йил 1 январь ҳолатига ўз капитали, яъни тақсимланмаган фойдаси (2022 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдаси) ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар ўтказиш орқали амалга оширилади;

- 7) Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун тўланган маблағлар 10 (ўн) кун давомида қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар ўтказиш орқали тўлиқ қайтарилади.

	<p>2.2. Компаниянинг Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унинг тасдиқланганлиги бўйича имзолаш ҳуқуқи Банк Бошқарув раиси ўринбосари А.Сентпетерига берилсин.</p> <p>2.3. Компания Бошқарув раиси А.Намозов зиммасига Компания акциялари қўшимча чиқарилишини қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминлаш вазифаси юклатилсин.</p>
--	---

**Бошқарув раиси**

**А.К. Намозов**

**Бош бухгалтер**

**С.Б. Ортиқов**

**Веб-сайтда ахборот жойлаштирган  
ваколатли шахс :**

**У.С. Орипов**